Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

11 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА. № 7 (755).
Сотувда эркин нархда. 1994 йил.

КЕЧА ПРЕЗИДЕНТ НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВ БОШЧИЛИГИДАГИ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Иккала давлат байроқлари ҳилпираб турган пойтахт аэропортида олий мартабали меҳмон ва унинг рафиқасини республикамиз Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди.

Икки қардош мамлакат раҳбарлари журналистлар саволларига жавоб бериб, сафар давомида ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларга халал бераётган тўсиқларни бартараф этиш ва икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни равнақ топтириш йўлида ҳиэмат қиладиган бир қанча ҳужжатлар имзоланишини маълум қилдилар. Шунингдек, Президентлар 11 январь куни Нукус шаҳрида Марказий Осиё Ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарлари ва Россия Федерацияси вакиллари иштирокида Орол муаммосига бағишлаб ўтказилажак кенгашда иштирок этишларини таъкидладилар.

Кутиб олувчилар орасида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Ҳалилов, республика Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов, Ташқи Ишлар вазири С. Саидқосимов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар бор эди.

Кутиб олиш маросимида, шунингдек, Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Сайлау Батирша ули ҳозир бўлди.

(ЎзА).

СУРАТДА: ҳужжатларни имзолаш пайти.

Р. НУРИДДИНОВ тасвири. (ЎзА).

Ҳужжатлар имзоланди

10 январь куни Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги давлат делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Унда иккала мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасида ягона иқтисодий ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартномани ва Қозоғистон давлат делегациясининг ташрифи якунлари ҳақидаги қўшма баёнотни имзоладилар. Ҳукумат даражасида иккала республика ўртасида фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва спорт соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди. Мазкур ҳужжатларнинг имзоланиши мамлакатларимиз ўртасида товар, хизмат, сармоя, ишчи кучининг эркин ҳаракати, шунингдек, ҳисоб-кредит, бюджет, солиқ, нарх, бож ва валюта сиёсатини келишилган ҳолда олиб боришни таъминлайди.

Музокараларда иккала мамлакат ўртасида 1992 йил 24 июнда имзоланган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг ижроси хусусида ўзаро фикр алмашилди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистон банклари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Музокаралар сўнгида икки давлат раҳбари журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

(ЎзА).

БИР ГУЛНИНГ ИККИ НОВДАСИ

Бу аслида эски гап. Бироқ уни ҳар киши ҳар-хил талаффуз қилади, ҳар хил ҳис этади. Гап қозоқ билан ўзбек дўстлигига бориб тақалган чоғларда ҳам бу ибора кўп эсланган. Аммо бугун мен унинг маъзини бошқачароқ чақяпман. Сабаби қозоқ эли ҳам ўзбек юрти ҳам истибдод исканжасидан алҳол халос бўлди: ҳар бири бир мустақил давлатдир. Бироқ бу икки халқ барибир бир гулнинг икки новдаси. Гул эса бир новдасининг гуллаб, иккинчисининг қовжираб қолишини, бирида булбул сайраб, бирига зоғлар қўнишини истамайди. Иккала новда ҳам бир-бирининг баробар гуллаб-яшнашини, қўйнида булбуллар шўхшан, чаҳ-чаҳ уриб туришини тилайди.

Қувончлиси шундаки, бу икки буюк элнинг раҳбарлари ҳам, фуқаролари ҳам ана шу ҳақиқатни англаб яшамоқдалар. Худо бизни шу йўлда ҳамиша якдил қилсин.

Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ.

• Қардошлик ардоғида

Қозоғистон билан Ўзбекистон Республикалари бугунги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ўз ўрни ва нуфузига эга. Азалдан қуда-андачилик, қўни-қўшничилик анъаналари мустаҳкам бўлган бу икки буюк халқнинг урф-одатлари, маданият ва адабиёти ҳам бир-бирига ўхшаш.

ЕЛКАДОШ, ТУҒИШГАН ХАЛҚ

Ўзбек ва қозоқ миллатларининг асли келиб чиқишлари бир эканлигини исботловчи қатор маданий-тарихий ҳужжатлар ҳам мавжуд. Бунга «Ўрхун», «Енисей» ёзувлари билан Циленга, Талас дарёлари қирғоқларидан топилган топилмалар, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк», Юсуф Баласоғунийнинг «Қутатғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Хибатул ҳақойиқ», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Абулғозий Баҳодурхоннинг «Турк шажараси», Муҳаммад Ҳайдар Дулатининг «Тарихи Рашид», Бебарис билан Холдуннинг «Қипчоқ шажараси», Усмон Кўхистоннинг «Тарихи Абулхайри» каби асарлари ҳамда «Кўрқит ота», «Шайбонийнома», «Зафарнома», «Алпомиш», «Гўрўғли» ва бошқа кўпгина халқ оғзаки ижоди меросларини мисол келтириб ўтиш мумкин. Шунингдек, икки халқ ўртасида ишлатиладиган мақол ва маталлар, севиб айтиладиган эртак ва достонларнинг мақсад-интилишлари, ҳатто мавзу ва номларининг ўхшашлиги тўғрисида ҳам кўплаб мисоллар бор. Жумладан, «Хўжа Насриддиннинг савдогарни ютиши», «Хўжа Насриддиннинг қарз олиб қарз бериши» каби халқ оғзаки ижоди, «Кўз қўрққоқ, қўл ботир», «Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада», «Нимани эксанг, шуни ўрасан», «Қатиқ ичган кутилар, идиш ялаган тутилар» каби мақол ва маталлар икки халқ ўртасида ҳеч бир ўзгаришсиз, бир маънода ишлатилади.

Оғзаки адабиётнинг олтин хазинасидан ўрин олган «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Ширин қиз» каби достонларнинг маънавий ҳамда тарбиявий аҳамияти бир. «Тоҳир ва Зуҳра», «Юсуф ва Зулайҳо», «Бадигул Жамол», «Алпомиш», «Гўрўғли», «Қизжибек» каби достонлар эса, икки халқ ўртасидаги дунёқарашни, бир мавзуни улуғлайди.

Ўзбек ва қозоқ халқлари турмуш қийинчиликларини доимо елкама-елка туриб енгиб келишган.

XIII асрнинг бошидаги араб босқинчилари ҳамда 1218 йилларидаги мўғул татар истилочиларига қарши курашда ҳам бу икки халқ бирлашганди. 1426—1435 йилларда Муҳаммад Шайбонийхоннинг даври «ўзбек хонлиги» деб аталган бўлса-да, аммо хоқоннинг қўл остида қозоқлар кўп бўлганлиги туфайли «ўзбек, қозоқ хонлиги» деб ҳам юритилган. Уша даврнинг таниқли тарихчиси Фазулло Рузбехоннинг «Меҳмонномаи Бухоро» номли асарида Шайбонийхон қўл остидаги фуқаро уч турли халқлардан иборат эканлиги баён этилади. Унда ўзбеклар билан қозоқлар—манғитлар деб аталган.

Улуғ саркарда, жаҳонгашта Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг дунёга машҳур «Бобурнома»сида қозоқ халқининг тарихи билан табиати хусусида чуқур мазмунли сатрлар битган. Ўтрор, Туркистон, Сайрам каби маконларда Сайхун (Сирдарё) Арз каби дарёлар тўғрисида ихлос билан ёзилган маълумотларни ўқиш мумкин. Бу асарда қозоқ халқининг Жолайир, Арғин, Дулат, Қипчоқ уруғлари билан бирга Жонибек Қосимхон, Адиксултон, таниқли шоир Ҳасан Али, тарихчи Муҳаммад Ҳайдар Дулатийлар тўғрисида ҳам маълумотлар берган.

Шунингдек, Бобур берган маълумотга кўра, унинг падари бузрукворлари Умар Шайх, бобомиз Амир Темур авлодидан бўлса, онаси чиғатой авлодидан чиққан Исан Дулат беканинг иккинчи қизи Қутлуғ Нигор хоним бўлган. Учинчи қизи Хўб Нигор хонимдан қозоқ тарихчиси Муҳаммад Ҳайдар Дулатий туғилган. Таниқли қозоқ хони Алашахон Юнус хоннинг иккинчи хотини Шоҳ бегимдан туғилган. Бобурнинг акаси Юнус хоннинг катта ўғли Султон Маҳмуд (1487—1503 йиллар) Тошкент хони бўлган пайтларда ўғли Аҳмад қозоқ халқига хон бўлган. Қозоқ халқининг шоири Абай ўзининг «Қозоқ халқининг келиб чиқиши тўғрисида бир оғиз сўз» номли асарида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»сига суяниб шундай ёзади: «Машҳур Бобуршоҳнинг онаси билан туғишган чиғатой наслидан чиққан Юнус хоннинг болалари бўлган. Уларнинг каттаси Тошкентда хон бўлиб, кичиги қозоқларни бошқарган. Унинг исми Аҳмад эди. У ўз ҳукмронлиги даврида қозоқлардан уч юзта отлиқ лашкар тузиб уч юзга бўлган. Ҳар бир юзбоши ўзаро келишиб, бир уруғга ҳисоб берган. Қозоқларнинг «уч юз»га бўлиниши шундан чиққан деган фикрни илгари суради.

Булар, албатта, қозоқ билан ўзбекнинг бир-бирига елкадош, ўтмиши каби тақдири ҳам бир халқ эканлигини билдиради.

Қалдибек СЕЙДАНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги қозоқ адабиёти кенгашининг раиси.

Сайлау Батирша ули:

БИР-БИРИМИЗСИЗ ЯШАЙ ОЛМАЙМИЗ

Осиё қитъаси ва Буюк ипак йўлининг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги қадимий дўстлик, қўшничилик алоқалари, ўзаро ҳамкорлик муносабатлари мозийнинг олис қатламларига бориб тақалади. Икки халқ ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Сайлау Батирша ули билан суҳбатимиз ҳам шу ҳақда бўлди.

— Сайлау оға, ҳозирги ўтиш даврида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларга қандай баҳо берасиз?

— Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихига тўхталиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Халқларимиз яхши кунларда ҳам, ташвишли кунларда ҳам бир-бирига камарбаста бўлиб келган, ҳаётнинг турли имтиҳонларидан қон-қардошлик руҳи билан дадил ўтган. Тарих, маданият, тил ва диний жиҳатдан муштаракликка эга бўлган икки қўшни республика ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш даврнинг қонуний жараёнига айланди. Янги минтақавий бозорни вужудга келтириш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мавжуд имкониятларни бирлаштириш борасида бамаслаҳат сиёсат юргизиш халқларимиз манфаатларига тўла мос тушади. Мустақил давлат сифатида шаклланиш жараёни кечаётган даврда дўстга дўстнинг мадади жуда зарур. Чунки, дили дилига, ери ерига туташ халқларнинг айни кунлардаги муаммолари ҳам, уларни ҳал этишга қаратилган интилишлари ҳам бирдир. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг вақти-вақти билан учрашиб туриши, мавжуд муаммоларнинг ўзаро кенгашган ҳолда ҳал этилиши энг катта ютуқларимиздан биридир. Иккала республикада ҳам миллий валютанинг жорий қилиниши муносабати билан ўзаро ёрдам ва мажбуриятлар, миллий банклар ўртасида ҳисоб-китобларни йўлга қўйиш, 1994 — 2000 йилларда иқтисодий интеграцияни мустаҳкамлаш чоралари, 1994 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимларнинг аҳамияти шу жиҳатдан беҳад катта. Ҳар икки мамлакатда миллий маданият марказларининг очилганини, дипломатик муносабатлар йўлга қўйилганини, фан-маданият арбоблари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари ҳам кучайганини мамнуният билан таъкидламоқчиман. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё Академияси ташкил этилганини, Оролбўйи минтақасидаги экологик фожеани биргаликда ҳал этишга киришганимизни ҳам катта ютуқларимиздан, деб ҳисоблайман.

Айни пайтда мамлакатларимиздаги тинчлик, барқарорлик ана шундай ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланишига асос бўлмоқда. Тинчлик — тараққиётнинг онаси, деган ҳикмат бор. Шунинг учун Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев нафақат Ўзбекистон ёки Қозоғистонда, балки, Марказий Осиё минтақасида барқарорликни сақлаш ташаббускорлари бўлишмоқда. Иқтисодий ислоҳотларни, бозор муносабатларига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириш, аҳолининг ҳимояга муҳтож қисмига давлат томонидан ёрдам бериш, озиқ-овқат таъминотини йўлга қўйиш, халқларимизни порлоқ истиқболга ишонтира олиш — республикаларимиздаги барқарорликнинг энг асосий сабабларидир.

— Ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун тағин нималарга кўпроқ эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

— Биз бир-биримизсиз яшай олмаймиз. Иқтисодимиз ҳам, маънавиятимиз ҳам, урф-одатларимиз, анъаналаримиз ҳам — бутун ҳаётимиз минглаб ришталар билан чамбарчас боғланиб кетган. Менимча, ўзаро иқтисодий муносабатларни янги босқичга кўтариш учун ягона божхона қоидаларини тезроқ ишлаб чиқиш зарур. Мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этиш — ҳар икки давлатни мустақиллик шароитида юксалтиришнинг бирдан-бир тўғри йўли. Марказий Осиё иттифоқи доирасида савдо-сотиқни кучайтириш, биргаликда қўшма корхоналар тузишни кўпайтириш зарур. Қозоғистонда нефтни қайта ишлаш, машинасозлик саноати ривожланган бўлса, Ўзбекистонда олтин қазиб олиш ва уни қайта ишлаш, енгил саноат, самолётсозлик ва радиоэлектроника соҳалари юксалган. Бу ютуқларни уйғунлаштириш, мутахассислар айирбошлаш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш зарур. Бу ишлар бизнинг мустақил давлат сифатидаги қудратимизни янада кучайтиради.

Умумий майдони салкам 4 миллион квадрат метрдан иборат 50 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган минтақамизнинг гуллаб-яшнаши кўп жиҳатдан икки йирик давлат — Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстона муносабатларга боғлиқ эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Мақсади муштарак, тарихи, эътиқоди ва замини бир халқларнинг келажаги ҳам уйқаш бўлади. Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг шу кунлари Ўзбекистонда ўтаётган учрашуви ўзаро муносабатларимизда янги саҳифалар очади, деб умид қиламан.

Дилшод ҚАЮМОВ суҳбатлашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мамлакат мустақиллигини ҳамда ҳудудий яхлитлигини, қалқимизнинг тинч ҳаётини ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги бунёдкорлик меҳнатини ҳимоя қилишдаги, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий тузилмаларнинг 1992 йил 14 январдан республика юрисдикциясига ўтказилганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил, 29 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ходимлари куни этиб октябрь ойининг биринчи якшанбаси белгилансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 29 декабрь.

ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АНЖУМАН

Тошкентда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари ходимларини аттестациядан ўтказиш масаласига бағишланган амалий-услубий семинар ўтказилди. Унда республика олий ва ўрта махсус таълим вазири Ж. Абдуллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, соҳада ўқув-тарбия ишларини яхшилаш, муаллимлар малакасини ошириш масалаларига эътиборни қаратдилар.

Анжуманда республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев қатнашди.

ЎзА.

Пул—иқтисодиётнинг қайноқ қони

РЕСПУБЛИКА БАНК ХОДИМЛАРИ ЙИҒИЛИШИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Агар жамиятни инсон танасига менгзасак, у ҳолда пул организмга озиқ моддалар етказиб берадиган қайноқ қондир. Ушбу ҳаётбахш суюқлик қанча тез айланса, одам шунча соғлом бўлади: Томирлар торайса, қоннинг йўли тўсилса, киши ҳаракати секинлашади ва у касалга чалинади. Ўтган шанба куни Республика Марказий банкининг мажлислар залида тўпланган мутахассислар Президент И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XIV сессиясида сўзлаган нутқи асосида иқтисодиётни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш борасидаги вазифаларни муҳокама қилганларида, ана шу фикр ҳаёлимиздан кечди.

Илгари асосан собиқ СССР Давлат банкининг йўриқномалари қандай бажарилаётганлигини назорат қилиш билангина шуғулланган Республика Марказий банки олдида энди мутлақо янги пул-кредит сиёсатини мустақил ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси турибди. Унинг фаолиятида, таъбир жоиз бўлса, нисбатан осойишта босқич тугаб, мустақил қарорлар қабул қилиш даври бошланди. СССР давлат ва Россия банкларининг 1961 — 1992 йилларда чиқарилган 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000, 5000, 10000 рубль қийматидаги қоғоз пуллари алмаштирилиши, «Сўм-Кўпон»лар муомалага киритилиши, миллий валютани чиқаришга тайёргарлик... бу юмушларнинг барчасини рўёбга чиқариш ягона иқтисодий минтақа парчаланиб кетган, Ҳамдўстлик давлатларининг ҳаммасида тўловлар кечикиши авж олган, миллий валюталар билан боғлиқ тўсиқлар вужудга келган ҳозирги шароитда осон кечмаяпти. Лекин шунга қарамай, ёш давлатимизнинг банк тизими аста-секин бўлса-да, ишонч билан қад ростлаб бормоқда. Сўнгги 2 йил мобайнида Марказий банкнинг

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленуми бўлди. Уни Олий суд ранси У. Мингбоев бошқарди.

Пленумда судлар томонидан жиноий жазо чораларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги, шунингдек, фуқаролик ишларининг судларга тааллуқлилиги хусусидаги баъзи масалалар муҳокама қилинди. Олий суд пленумининг бир қанча қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Пленумда республика Бош прокурори В. Мустафоев, адлия вазири А. Мардиев қатнашди.

(ЎзА).

• *Қарор амалга ошиши керак*

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА—ФУТБОЛ

8 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Футбол федерацияси ижроия комитетининг йиғилиши бўлди. Йиғилишга вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, вилоят спорт комитетлари раислари ва футбол федерацияларининг масъул котиблари, олий ва биринчи лига командаларининг бош усталари, футбол клублари раислари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг, стадионларнинг директорлари, Ўзбекистон футболининг фахрийлари таклиф этилган эди.

Йиғилиш қатнашчилари Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш юзасидан Футбол федерацияси 1993 йилда бажарган ишлар якунини муҳокама қилдилар. Янги футбол мавсумидаги вазифаларни белгиладилар. 2000 йилга қадар футболни ривожлантириш миллий дастури, уч йиллик даврга мўлжалланган ягона мусобақа тизими ишлаб чиқилди, терма ва профессионал командалар мақоми тасдиқланди, республика футбол жамғармаси ҳамда барча вилоятларда футбол федерациялари тузилди.

Ёш авлодни соғломлаштиришнинг асосий воситаси ҳамда катта футболга йўл очиб берадиган омил — оммавий футбол тараққиёти масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган йилда ҳовлилар, маҳалла ва мактаб командалари ўртасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладиган командаларни тайёрлаш устидагина кетаётгани йўқ. Стадионларимиз энг юксак талабларга жавоб бера олиши лозим. Чунки, уларда йирик-йирик халқаро мусобақалар ўтказилади.

Ижроия комитет йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Футбол федерациясининг президенти А. Муталов нутқ сўзлади.

Йиғилишда Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков иштирок этди.

(ЎзА мухбири).

МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРИШДИ

СИРДАРЁЛИК 23 нафар мусулмон Умра ибодатини адо этиш учун Саудия Арабистонига жўнаб кетди. Муборак сафар иштирокчиларининг аксарият кўпчилиги меҳнат фахрийларидир. Улар жўнаш олдидан шундай улуғ ибодатни бажо келтириш имконини яратиб берган Ўзбекистон ҳукуматига ҳамда сафарни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатган вилоят ҳокимлигига миннатдорчилик изҳор этдилар.

А. ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«БОҒИ ШАМОЛ»ДАН ҚУРУҚ ЧИҚМАЙСИЗ

БАХМАЛ туманидаги «Аламли» қишлоғилик Сулхон Алибоев «Боғи шамол» кичик корхонасини очганидан сўнг хом ашёнинг тайёр маҳсулотга айланиб, истеъмолчилар қўлига теккунича бўлган конвейер жараёнини йўлга қўйди. Ҳозир кичик корхонада тайёрланаётган дастурхон, жемпер, чақалоқлар кийимлари фирма дўконларида сотилмоқда.

А. МАМАРАСУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ПУЛ—ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚАЙНОҚ ҚОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

200 дан зиёд муассасаси очилди, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиявий жиҳатдан таъминлаш билан шуғулланадиган «Ўзтадбиркорбанк» ва унинг 173 та филиали ташкил этилди.

Банк тизимининг қайта ташкил этилиши жуда кўплаб янги мутахассислар олинишини талаб қилди. Улар орасига эса юқорида айтилган сабабларга кўра, тасодифий, нопоқ одамлар аралашиб қолди. Бу кимсалар эса банк саҳасини бадном қилишга уриндилар. Кейинги икки йил давомида республика Ички ишлар вазирлиги бўлинмалари банк муассасаларининг талон-торожлик, порахўрлик ва бошқа жиноятларда айбланган кўпгина ходимлари устидан жиноий иш қўзғади.

— Йиғилишимизнинг мақсадларидан бири, — деб таъкидлади маърузачи, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси Ф. М. Муллажонов, — ҳозирги мураккаб шароитда банк тизими муассасалари ходимлар билан олиб бораётган ишларни таҳлил қилишлан иборатдир. Тезкор давр қўяётган талаблардан орқада қолмаслик учун ҳар биримиз билим ва тажрибамизни орттиришимиз зарур. Бунинг йўлларидан бири — ходимларни халқаро молия ва банк ташкилотларига, жаҳондаги энг катта банкларга ўқишга юборишдир. 1992 йил октябрь ойидан 1994 йил январь ойигача Марказий банк аппарати ва унинг вилоят бошқармаларидан 57 нафар ходим чет элга жўнатилди. Улар Вена ва Вашингтон институтларида ўқиб, халқаро валюта фонди томонидан Токио шаҳрида ташкил этилган семинарда қатнашдилар. Зотан, кўпгина халқаро молия ташкилотлари, хусусан, халқаро валюта фонди ўқиш, шу жумладан тингловчиларнинг хорижга бориши, у ерда яшаши ва Ватанига қайтиб келиши билан боғлиқ барча ҳаражатларни ўз зиммасига олмоқда. Айни чоғда бизнинг тингловчиларимиз Марказий банк юқори курс талабаларидан икки гуруҳини шартнома асосида Ноттингем институти ва Вашингтон университетига (АҚШ) ўқишга юборганлиги бу борада ташланган яна бир қадам бўлди. Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон молия-кредит ҳамжамияти сиёсатига фаол қўшилиб бориши энг жўшқин ривожланаётган Ҳиндистон Республикасининг банк бошқаруви миллий илмгоҳида, Мюнхендаги Халқаро молия корпорацияси институтида, ислом банклари уюштирган 4 та халқаро курсда ўқишмоқда, Англия, Германия, Франция, Малайзия, Покистон, Туркия, Эрон банкларида, Марказий ва Шарқий Европа биржалари ривожланишига ёрдам бериш жамиятида, Цюрих фонд биржасида иш ўрганмоқдалар.

Бундай жойларда ўқиш ва тажриба орттиришнинг аҳамияти беқиёс. Ўқиб келганлар муҳим масалаларни сифат жиҳатидан янгича ҳал этишмоқда, айни пайтда халқаро ташкилотлар ва чет эл банклари билан ҳамкорлик қилиш, алоқаларни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Республика ҳукумати банк тизимидаги ходимлар билан боғлиқ аҳвол тўғрисида қайғуриб, Марғилон ҳисоб-кредит техникуминининг бир қанча филиалларини очиш, Самарқанд молия коллежида, Сирғали ҳисоб-китоб техникумида ўқув гуруҳлари ташкил этишга рухсат берди. Ҳозир Тошкент молия институтининг малака ошириш факультети негизида банк тизими раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини ошириш институтини ташкил этиш масаласи ўрганилмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, пул муомаласининг аҳволи, пухта ўйланган пул-кредит сиёсатини юритиш, имтиёзли кредитлар беришни камайтириш, истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали «Сўм-Купон»нинг қадри ва мавқеини мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисида сўз юритилди.

Маърузачи кредит сиёсати ҳақида тўхталиб, бир қанча вазирликлар, идоралар ва хўжалик органлари имтиёзли кредитлардан оқилона фойдаланмаётганлиги, буни тижорат банклари етарлича назорат қилмаётганликлари хусусида жиддий ташвиш билдирди. Ваҳоланки, имтиёзли фоизлар билан берилган кредитлар муомаладаги пулнинг кўпайишига катта таъсир кўрсатади. Бироқ бир қанча ҳолларда кредит ресурслари узоқ вақт мобайнида ҳаракатсиз туриб қолмоқда, улардан тўла фойдаланилмаяпти ёки бошқа мақсадларга ишлатилмоқда. Банк муассасаларида кредит ресурслари муддатини иқтисодий асосламасдан туриб узайтириш ҳоллари кузатилаётгани, бир қанча тижорат банкларида республика банклари кредит бериш амалиётини назорат қилиш иши бўшашиб кетганлиги ҳам ачинарлидир. Ишда қатор камчиликларга, хусусан, банкка доир қонунларнинг бузилиши, кредит беришдаги хатоликлар ва бунинг натижасида зарар кўрилиши ҳамда пул маблағларининг йўқотилишига йўл қўйганлиги учун 12 та банк ва 11 та филиал тугатилди.

Пулнинг тез айланиши — иқтисодиётни барқарорлаштириш шартларидан бири. Шунинг учун ҳозир республика банк тизимининг техникавий базасини янгилаш, унинг минтақавий марказларини компьютерлар билан жиҳозлаш ва дастурлар билан таъминлаш биринчи даражали вазифалардандир. Электрон тўловлар жорий этилиши, бутун дунёда бўлганидек, бизда ҳам маблағларнинг уч иш кунида ҳисоб варағига киритилишини таъминлайди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов нутқ сўзлади.

В. РУДАКОВА,
З. НОРМУҲАМЕДОВ.



Носиржон ака Исмонлов 40 йилдан кўпроқ умрини ўзи яшаб, меҳнат қилган Боғдод туманидаги Мирзаобод жамоа хўжалигини иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга сарф этди. Оддий механизаторликдан бош муҳандисликкача бўлган йўлни ўтаган Носиржон ака нафақага чиққач, боғ яратишга аҳд қилди. Ўзига ажратиб берилган 7 гектар ерга кўчат экди. Ўтган йили боғ орасидаги ерларга қизилча экиб, жамоа хўжалигига 24 тонна маҳсулот топширди.

СУРАТДА: Н. Исмонлов. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

* * *

Тошкент чинни заводининг нафис маҳсулотлари доврўғи аллақачонлар республикамиз ҳудудидан ташқарига ҳам ёйилган. Бунда маҳсулотларга нозик дид билан жило бераётган пардозловчиларнинг, ҳар хил саналарга бағишлаб чиқазилаётган кўзаларга (тасвир чизиш ижодкорларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

СУРАТДА: кўзаларга гул ва тасвирлар туширишустаси Мукамбар Холиқова.

Ш. ИБРОҲИМОВ олган сурат.

ИСЛОҲОТНИНГ ТЕТИК КУРТАКЛАРИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Олий Кенгаш ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида таъкидланганидек, ўтган даврда иқтисодий ислоҳотнинг илк натижалари нишона кўрсатди. Мулкни давлат тассарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Тадбиркорлар кичик ва ўрта корхоналар ишини бирмунча яхшиладилар. Чет эл ишбилармонлари кўмагида барча вилоятларда талай қўшма корхоналар ташкил этилди. Шу билан бирга йил якунланиб, ғалвир сувдан кўтарилгач, айрим тармоқларда ислоҳотни амалга оширишда камчилик ва муаммолар ҳам борлиги аён бўлди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг вилоят мухбирлари шу ҳақда хабар қиладилар.

ФАРҒОНА:

ЮТУҚ БОР, КАМЧИЛИК ҲАМ ОЗ ЭМАС

Риштон туманидаги 24 та кичик корхонада маҳаллий хомашёдан ўттиз хилдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, гилам, жемпер, атлас ва шолчанинг бозори чаққон. Ёйилма, Янгиобод, Оқер қишлоқларида ҳам шундай корхоналар очилган.

Вилоятда 2042 та кичик корхона ва ширкат ташкил қилинган. Уларнинг 617 таси халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Уларда шу кунгача салкам 2 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланди. Мавжуд корхоналарнинг ҳаммаси тўла қувват билан ишлаганида, дўкон пештахталари янада тўкин бўлар эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, баъзи ишбилармонлар солиқ тўлови қоидаларига риоя қилмади. Масалан, Қувасой шаҳридаги «Бобур» кичик корхонаси даромадини яширгани учун катта жарима тўлади. Бундай мисоллар Фарғона, Марғилон ва Қўқон шаҳарларидаги корхоналарда ҳам учрайди.

Фарғона вилояти иқтисодиётида химия ва машинасозлик корхоналари муҳим ўрин эгаллайди. Аммо мазкур тармоқларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, илғор технологияни жорий этишга етарли аҳамият берилмаяпти.

— Химия ва машинасозлик корхоналари учун зарур хомашёнинг асосий қисми Россиядан олиб келинар эди, — дейди вилоят ҳокимлиги бош мутахассиси Қодиржон Жакбаров. — Собиқ таъминотчилар хомашёни қишлоқ хўжалиги маҳсулоти эвазига берамиз, деб шарт қўймоқда. Вилоятдаги айрим мутасаддилар эса ҳануз россияликларга умид боғламоқда. Давр руҳини, иқтисодий ислоҳот талабларини яхши тушунган ишбилармонлар эса маҳаллий хомашёдан унумли фойдаланиш йўлларини излаб топмоқда.

СИРДАРЁ:

ТАНҚИДДАН СЎНГ

Мамлакатимиз Президенти халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида чорвачилик соҳасида йўл қўйилган камчиликлар, жумладан, 650 фермер хўжалигининг 200 нафарига умуман ер берилмагани танқид қилинган эди.

Дарҳақиқат, ўз ери, озуқасига эга бўлмаган фермер чорва маҳсулдорлигини қандай ошириши мумкин? Вилоят ҳокимлиги шуларни ҳисобга олиб, фермер хўжаликларига тегишли шарт-шароит яратиб бериш чоратадбирларини белгилади. Ҳар бир деҳқон-фермерга ўртача 11 гектардан ер ажратилди.

Ҳозир вилоятда 686 та деҳқон — фермер хўжалиги бор. Улардан 658 таси чорвачилик, 28 таси деҳқончилик билан шуғулланмоқда. Фермерлар 11 ойда 2054 тонна сут, 414 тонна гўшт етиштирди.

Бироқ, бундай хўжаликларда ихчам машина ва механизмлар етишмаслиги сабабли талай ишлар ҳамон қўл кучи билан бажарилмоқда. Етиштирилган сут ўз вақтида олиб кетилмаяпти. Айрим хўжаликлар фермер топширган маҳсулотга вақтида ҳақ тўламаётир. Капитал қурилиш соҳасидаги нуқсонлар ҳам барҳам топгани йўқ. Айниқса, қишлоқларда фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг сифати талаб даражасида эмас.

ТОШКЕНТ:

ИМКОНИЯТНИ БОЙ БЕРМАЙ

Ўтган йили Республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган кенгашда Тошкент вилоятида иқтисодий ислоҳотни амалга оширишдаги камчилик ва муаммоларга эътибор жалб этилган эди.

Дарҳақиқат, бу ерда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўнгилдагидек эмас. Масалан, кейинги ўн бир ойда 252 корхонадан 114 тасида маҳсулот ишлаб чиқариш камайди. Оқибатда аҳоли 28 миллиард сўмлик маҳсулотни кам олди. Қўшма корхоналар очиш йўли билан истеъмол бозорини барқарорлаштириш сиёсати амалга оширилаётган ҳозирги вақтда вилоятдаги шундай корхоналар ўтган ўн ой ичида 8 миллиард сўмлик зарар келтирди. Рўйхатдан ўтган 40 дан ортиқ қўшма корхонанинг ярмидан кўпи ишламаётир. Уларнинг баъзилари савдо-воситачилик билан шуғулланмоқда холос.

Бироқ вилоятда бу борада ибрат бўларли корхоналар ҳам йўқ эмас. Масалан, Ўртачирчиқ туманида хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Бурсель» қўшма корхонаси ўзининг бежирим кийим-кечаклари билан аҳоли назарига тушган. Туманда 111 дан зиёд кичик корхона бўлиб, уларда 2600 нафар киши меҳнат қилмоқда, даромад ҳам чакки эмас.

Кўриниб турибдики, ҳамма гап ташаббускорликни қўлдан бермасликда!

ЖИЗЗАХ:

ҚЎШМА КОРХОНА КЎПАЙМОҚДА

Вилоятда хитойликлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ва йилига 3 минг тонна чигитни қайта ишлайдиган «Мадина», Маржонбулоқ олтин кони билан Американинг «БРВ» компанияси биргаликда тузган ҳамда йилига 5 миллион АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлган «Маржон» қўшма корхоналари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Ҳиндистон билан ҳамкорлик қилаётган «Шоҳзомин», Америка билан биргаликда ташкил этилган ва бир йилда 15—20 минг дона шиша идиш, 500 минг квадрат метр ойна тайёрлашга мўлжалланган «Жиззахфениксинтернэйшл» ҳамда пахта саноати бўйича Покистон билан биргаликда очилган «Эржартекстиль» қўшма корхоналари яқин орада ишга тушса, Ўзбекистон бозорини муҳим истеъмол моллари билан таъминлайди.

Сўнгги икки йилда вилоятда 21 та қўшма корхона рўйхатдан ўтди.

Бироқ, юздан зиёд кичик ва шахсий корхона тўла қувват билан ишламаяпти. Улар тайёрлаётган маҳсулотнинг тури кам, сифати талаб даражасида эмас.

СУРХОНДАРЁ:

ХОМАШЁ СОТИШ — ХОМЛИК ДЕМАК

Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиқ хомашёсидан тайёр харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришда Денов, Шўрчи туманлари тадбиркорлари пешқадамлик қилмоқда. Бу ерда пиллани қайта ишлаш, ип-йигирув ва тўқув фабрикасининг биринчи навбати ишга туширилди. Хомашёдан шу ернинг ўзида атлас, шойи, бекасам тўқилаётир. Бошқирдистон билан ҳамкорликда барпо этилган фабрикада йилига 100 минг жуфт пойабзал тайёрланмоқда. Дон маҳсулотлари комбинати қошида бир кунда 8 тонна макарон чиқариладиган цех, 150 тонна ун тортиладиган тегирмон қурилди.

Бугина эмас. Денов ёғтозалаш заводида қандолат маҳсулотлари, совун чиқарилмоқда. Олтинсой туманида Италия асбоб-ускуналари билан жиҳозланган «Санвик» корхонаси мева ва сабзавотдан қоқи тайёрламоқда.

Аммо вилоятнинг айрим туманларида хомашё сотиш аввалгидек давом этмоқда. Масалан, Қумқўрғон туманининг Гагарин номидаги, «Оққопчиғай» давлат хўжаликларида етиштирилган қоракўл ва сур терилар бир вақтлар жаҳон кўргазмаларида намойиш этилиб, олтин совринларни олган, Олмониядаги Лейпциг кўргазмасининг кўрки бўлган эди. Бироқ ана шу жаҳонга машҳур териларни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот олиш ва тўғридан-тўғри дунё бозорига чиқиш ҳақида дурустроқ бош қотирилмаяпти. Афсуски, Термиз пахта тозалаш заводи асосида дастлаб Фарангистон, сўнгра Туркия сармоядорлари иштирокида бошланган қўшма корхона қуриш ҳақидаги яхши ниятлар қоғозда қолиб кетди. Сариосиё ва Жарқўрғон шиша буюмлар заводларини битказиш муддати пайсалга солиняпти.

НАВОИЙ:

ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТИ

Республикада 2000 йилга бориб олтин саралаш ҳажми икки баравар оширилиши, катта заҳирага эга бўлган фосфоритни қайта ишлаш йўлга қўйилиши лозим. Шу мақсадда Учқудуқда учинчи, Зарафшонда 2-гидрометаллургия заводлари қурилиши тобора авж олдирилмоқда. Қизилқумда «Фосфоритқурилиш» бошқармаси ташкил этилди.

Учқудуқдаги 3-гидрометаллургия заводи қурилишини лойиҳалаш саксоннинчи йилларнинг бошларида тугалланган эди. Бироқ айни қайта қуриш даврида бу иш ташлаб қўйилди. Ҳозир бу ерда дастлабки тегирмонларни ишга туширишчоралари кўрилмоқда. Республика корхоналари иншоот учун зарур қурилиш материаллари, ускуна ва жиҳозларни ўз вақтида етказиб бермоқда.

Қизилқум бағрида яна бир йирик корхона — фосфорит комбинати қуриляпти. Уни бунёд этишга еттита йирик қурилиш ташкилоти жалб этилган. Корхона 1996 йилда дастлабки маҳсулот — фосфорит уни ишлаб чиқара бошлайди.

Ҳозир корхона ишчилари учун кўркам шаҳарча қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Уй-жой учун зарур асосий бинокорлик материалларини Қашқадарё уйсозлик комбинати етказиб беряпти.

Қизилқумда қад ростлаётган улкан иншоотлар мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотни жадаллаштиришга хизмат қилади.

ХОРАЗМ:

«МЕРСЕДЕС»ГА ЙЎЛ БЕРИНГ!

Дружба шаҳридаги «Мерседес-Бенц» автомашиналари чиқарадиган корхона конвейеридан дастлабки маҳсулот тушишига яқин қолди.

Олмониянинг «Мерседес-Бенц» фирмаси билан республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги концерни ўртасида имзоланган битимга биноан қад ростлаётган бу улкан корхонада иш қизғин. Собиқ тайёрасозлик заводини юк машиналари ишлаб чиқаришга мослаб жиҳозлаш, қўшимча зарур иншоотлар бунёд этиш учун концерн 3 миллиард сўмликдан кўпроқ имтиёзли қарз берди. Туямўйин қурилиш трести бунёдкорлари қисқа муддатда катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Бу ерда минг нафардан ортиқ қурувчи ва мутахассис ишлаяпти. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли 5 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ўзлаштирилди. Қурилишнинг бошқа иншоотларида, 17 гектарлик қурилиш майдонида иш қизғин давом этмоқда. Поликлиника, 250 ўринли болалар боғчаси, ошхона ҳам қурилмоқда.

Шартномага биноан бу ерда дастлаб йиғув цехи иш бошлайди. Автомобилларнинг барча қисмлари Олмониядан келтирилади. Кейинчалик эса қўйиш цехлари ҳам қурилиб, «Мерседес»лар шу ерда «дунёга келади».

Аҳдлашувга мувофиқ ўтган йилнинг сўнгги ойида 50 та машина йиғиш белгиланган эди. Аммо, масофанинг олислиги ва бошқа баъзи жузъий сабабларга кўра бу режа амалга ошмай қолди. Аммо куни кеча Олмониядан юк ортилган машиналар карвони йўлга тушгани ҳақида хушхабар келди. Корхона бош директори Искандар Арслонбековнинг айтишича, бу карвон ҳадемай Хоразмга етиб келади. Тўртта юк машинасини йиғиш учун бир ҳафта кифоя қилади. Агар ҳамма иш кўнгилдагидек амалга ошса, янги йилнинг биринчи ойида Ўзбекистон тарихига ёзиладиган муҳим воқеа рўй беради — илк «Мерседес» автомашиналари воҳа тупроғига из солади.

(Материални ЎзА мухбирлари Р. КАМОЛОВ, А. АБДУЛЛАЕВ, П. НИШОНОВ, И. ЖУРАЕВ, Ч. ТУХТАЕВ, М. ХУДОЙҚУЛОВ, Р. ҲАСАНОВ тайёрлади).

Жаҳон 24 соат ичида

МАХСУС ЭЛЧИ

НЬЮ-ЙОРК. Америка Қўшма Штатларининг БМТ қошидаги доимий вакили Мадлен Олбрайт НАТОга аъзо давлатлар раҳбарларининг 10—11 январь кунлари Брюсселда ўтажак учрашуви арафасида АҚШ Президентининг махсус элчиси сифатида Европа мамлакатларни бўйлаб сафарга чиқди.

Сафар мобайнида Мадлен Олбрайт Албания, Болгария, Руминия ва Словения мамлакатлари Президентларига Америка раҳбарининг шахсий номасини топширади, Польша, Венгрия, Чехия ва Словакия раҳбарлари билан учрашади. Шунингдек, у Греция ва Германияга ҳам боради.

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШАДИ

ВАШИНГТОН. Сурия қўпорувчиларга бошпана беришда давом этар экан, у террорчиликни қўллаб-қувватловчи мамлакатлар рўйхатида тураверади, деб баёнот берди АҚШ Давлат департаментининг расмий вакили Майкл Маккэри.

Маккэри АҚШ Президенти Билл Клинтон билан Сурия Президенти Ҳафиз Асад 16 январь куни Женевада учрашажагини тасдиқлади. Унинг айтишича, учрашув чоғида Президент Клинтон АҚШни ташвишга солаётган террорчилик муаммоси хусусида сўз юритади.

ИСРОИЛДА ХАЛҚАРО АЭРОПОРТ ҚУРИЛАДИ

Исроил Бош вазири И. Рабин янги халқаро аэропорт қурилиши лойиҳасини тасдиқлади. Маҳаллий матбуот хабарларига кўра, янги аэропорт мамлакат пойтахтидан 14 километр жануби-шарқда, ҳозир фаолият кўрсатаётган Бен-гурион номидаги халқаро аэропорт ёнида бунёд этилади. 850 миллион доллар маблағ талаб этадиган бу қурилиш икки босқичда амалга оширилади ва 1998 йилда ниҳоясига етказилади. Янги аэропорт ишга тушгач, йилига 16 миллион йўловчига хизмат кўрсатади.

ГЕРОИН—ЎЛАТ

ОТТАВА. РАТА — ТАСС мухбирининг хабарига қараганда, ўтган йил ичида Ванкуверда 200 киши гиёҳванд моддалардан заҳарланиб дунёдан ўтган. Бир йил илгари мазкур шаҳар жойлашган вилоятда худди шу сабаб билан 155 нафар киши ўлган эди.

Минтақавий суд-тиббиёт терговчиси Лэрри Кэмпбеллнинг айтишича, одамлар, асосан, ўта заҳарли ҳисобланган героинни истеъмол қилиш оқибатида заҳарланмоқда.

РАҲНАМОНИНГ НУФУЗИ ЯНА ОШДИ

НАЙРОБИ. Генерал Муҳаммад Фарраҳ Айдид Сомали миллий альянси (СМА) ранси лавозимига қайта сайланди. Шундай қилиб, у Сомалидаги йирик ҳарбий-сиёсий гуруҳни олти ой давомида бошқариб туриш учун навбатдаги ҳуқуқни қўлга киритди.

Ўтган йилнинг ёзида БМТ тинчликни сақлаш кучлари Муҳаммад Айдид ва унинг тарафдорларини қўлга олиш учун кенг қамровли ҳарбий ҳаракатларни бошлаган эди. Аммо, орадан тўрт ой ўтгач, улар исёнкор генерални тутиш фикридан воз кечиш ва тинч музокаралар йўлига ўтишга мажбур бўлди. Бу муваффақият СМА раҳнамосининг нуфузини янада ошириб юборди.

Бобур таваллудининг 510 йиллигига

АРСЛОН

Шахсга сиғиниш ва турғунлик даврида шоир сифатида гоҳо улуғланган бўлса-да, шоҳ сифатида гўё «синфий душман» сифатида таҳқирланиб келган буюк зотлардан бири қудратли темурийзода, улкан соҳиби салтанат, зукко олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур бўлади.

Мағрур тахаллуси гўзал сиймосига, исми жисмига мос Бобур араб тилида «Арслон» деган маънони англатмиш. Дарвоқе, биз яқин ўтмишда ҳам бадном қилиб юрган Сулаймон алайҳиссалом, соҳибқирон Амир Темур, Умар Ҳайём ва бошқа жаҳонгир ҳамда алломалар ҳақида ажойиб асарлар яратган америкалик адиб Ҳаролд Лэмб «Бобур-Арслон» номли роман ёзиб қолдирди. Бобур—Арслон! Омадли ва аччиқ тақдир унинг илкига бахт жоминию зафар туғини тутқазди ва ўз она диёрида тахту бахтидан жудо этиб, оғу ичкизди. Бир қўлида шамшир, бир қўлида қалам билан яшаб ўтди бу дунёдан Мирзо Бобур. Таҳликали ва саодатманд, тошқин дарёдай солланиб оққан бутун нотинч ҳаёти давомида у мудом қувди ва қувилди, сурди ва сурилди, олди ва олдирди, севди ва севилди, топди ва йўқотди... Ҳалим инсон ва тадбиркор саркарда, жангчи ва шоир, ватанпарвар ва муҳожир сифатида бир-бирини тўлдирувчи ёҳуд иккор этувчи зиддиятли сифату хислатларнинг тугуни бўлган.

Башарти, бу табаррук олий зот ўзининг атиги биргина шоҳона ёки шоирона ҳаёти билан яшаганда ҳам, ўз элининг қалбида ўчмас из қолдирган бўлур эди. Бошқача айтганда, агар Бобур, унинг номини улуғлаган ҳамда абадийлаштирган ранг-баранг илмий, бадиий-тарихий, диний ва таржимавий ғоят бой мерос қолдирмасдан, таъбир жоиз бўлса — «бор-йўғи» Ҳиндистондай қадимий ва муаззам бир мамлакатда 332 йил ҳукм сурган бобурийлар салтанатига, шарафли тарихий сулолага негиз яратган тақдирда (фақат шунинг ўзи билан ҳам!), жаҳоннинг энг улуғ сиймолари қаторидан фахрли ўрин олган бўлур эди. Ҳолбуки, у ўзбек ва ҳинд халқлари, бутун Машриқ ҳар қанча фахрланса арзийдиган маърифатли шоҳ бўлиш билан баробар, чинакам улуғвор ижод соҳиби эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ўз ватандошлари — пушти паноҳ, беназир туркийзабон шоир деб танисалар, ҳинд халқи ва унинг марҳаматли акобирлари ул валломатга — нотиқлик ва илм маъбуди, мусиқа ва шеърият ҳомийси Сарасватининг суюкли, арзанда ўғли (Роҳул Сан Критиан), букилмас иродали инсон, одамоҳун, жаҳонгир ва халоскор одил шоҳ деб қарайдилар. Жаҳон афкорлари эса Бобурга — буюк саркарда, «Йўлбарс», бобурийлар салтанатининг асосчиси ва олим деб таъзим қиладилар. «Бобурхон» романининг муаллифи, фаранг адиби Флора Анна Стил дейдики, «биз янглишиб «Буюк мўғуллар империяси» деб атаб келганимиз сулоланинг биринчи, жумлайи жаҳонда Бобур номи билан машҳур бўлган Заҳириддин Муҳаммад Ҳиндистон императори, шу билан бирга шоир, рассом, аскар, паҳлавон, зиёли, мусиқачи гадо ва подшоҳ эди».

«Бобурнома»номи билан машҳур бўлган хотирот (мемуарлар) — шоҳ ва шоир ижодининг гултожи бўлиб, айни шу қўмусий асар билан у ўзига ўзи ҳайкал ўрнатди.

Оврупо илм аҳлига мазкур асарни илк даъфа таништирган олим ҳолландиялик Витсен бўлган. У салкам уч аср муқаддам, 1705 йилда асардаги Фарғона водийсининг жуғрофиясига оид тасвирларни таржима қилиб, Амстердамда нашр эттиради. Лекин Бобурнинг Оврупо минтақасидаги чинакам шуҳрати роппароса юз йилдан кейин, XVIII асрда кенг тарқалди.

Бор-йўғи 12 бетдан иборат, муаллифи номаълум ўриснинг машҳур «Игор жангномаси» («Слово о полку Игореве») минг саҳифалик маҳобатли, серҳашам китоб ҳолида босилган экан, уларга таҳсин ва тасанно. Наҳотки биз ўзимизнинг бутун дунё тан олган «Бобурнома»миз ҳақида қомус тартиб беролмасак! Хорижда бу алп ҳақида 30 дан зиёд роман, 500 дан ортиқ мақолалар, рисолалар, юзлаб таржималар босилиб чиққан. Буларнинг лаоқал номларию мазмун-мундарижаси тўғрисида мухтасар маълумот берилган тақдирда ҳам, шунинг ўзиёқ минг саҳифалик қомус бўлади!

Биз бу ерда атиги инглизча икки таржима ҳақида бир ров тўхташга журъат этамиз.

1816 йилнинг 12 апрелида Вилйам Эрскин Бўмбайдан Лондон ноширларига ёзган хатида, туганмас хазина топиб олгандек, «Бобурнома»ни таржима қилаётганидан хабар беради. Вилйам Эрскиннинг Жон Лейден билан ҳамкорликдаги таржимаси 1826 йилда Лондонда босилиб чиқди. Бу икки мутаржим асарнинг туркий ва форсча нусхаларини асос қилиб олишган.

Хорижий шарқшунослар фаолиятининг биз учун ибратли тарафи шундаки, улар маърифатпарвар ва юксак маданият соҳиблари сифатида иш кўриб, таржима билан матншунослик, тил ўрганиш, танқидий фаолият, тадқиқот ва нашр ишларини яхлит ҳолда қўшиб олиб боради.

Йигирманчи аср бошларига келиб, «Бобурнома»нинг асл нусхаларини излаш анча авж олди. Шарқшунос, толмас тадқиқотчи Аннетта Сусан Бевериж хоним қўлёзмалар устида узоқ изланиш олиб боради. Тасаввур қилинг: инлиз тилида бу манба ҳақида чоп этилган 500 мақоланинг 200 таси Аннетта Бевериж ва унинг ёстиқдоши, таниқли инглиз олими Хенри Бевериж қаламига мансуб. Шу аснода мазкур манбани асл нусхасидан инглиз тилига жасур олиманинг ўзи — Аннетта хоним янгидан ўгира бошлайди. Ниҳоят, бу таржима 1922 йилда Лондонда «Бобурнома» — инглиз тилида» номи билан босилиб чиқди. Тадқиқотчи сўз бошида асарнинг ҳозирги кунгача сақланиб қолган ўн бешта туркий қўлёзмалари хусусида жуда қимматли маълумот илова қилади.

Аслиятдан, яъни туркий оригиналдан қилинган бу таржима аввалгиларига қараганда анча мукаммал, орада узилиб қолган йилларнинг воқеалари янада тўлдирилиб, таржиммонинг изоҳлари ва Бобур Мирзо ҳаётига, шоҳ асарларига оид барча изоҳларни китобнинг илова қисмида топса бўлади.

Бевериж хоним таржимада Калкуттада нашр қилинган «чиғатойи—форсий», «чиғатойи—туркий» луғатларидан ҳамда Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Абдулғози Баҳодурхон асарлари мутолаасида енгиллик туғдириш учун фаранг олими Паве де Куртейл томонидан тартиб берилган махсус луғатдан унумли фойдаланган, шу тариқа ўз таржимон-салафларининг ишларида йўл қўйилган аллақанча нуқсонларни бартараф қилган.

Битта мисол келтирамиз. Алишер Навоий ижоди ҳақида Бобур қуйидагича маълумот беради: «Олти маснавий китоб назм қилибтур, беши «Хамса» жавобида, яна бир «Мантиқут—тайр» вазнида «Лисонут—тайр» отлиқ». Бу жумла Лейден—Эрскин таржимасида шундай берилганки, агар олампаноҳ Бобур Мирзо ҳозир ҳаёт бўлиб, юқоридаги инглизча талқин ва таржимага гузар қилганларида борми, бундан қаттиқ ранжиган бўлар эдилар. Негаки, муаллиф Бобур номидан икки инглиз таржимони ҳазрат Алишерга «ғарбона» тўғрироғи, ғарибона нописандлиг билан салбий баҳо бериб, шеърият мулкининг султони бўлмиш Навоийни Низомий Ганжавий ила Фаридиддин Атторнинг тақлидчисига айлантириб қўйган. Имитация инглизчада тақлид дегани. Анъанавий, «жавобия», «жавоб», «назира» ёки «татаббу» сира ҳам тақлид эмас! Орадан қарийб бир аср ўтгандан сўнг мазкур қўпол хатони таржимон-халаф Бевериж тузатди.

1922 йилги нашрнинг ажойиб, бетакрор бир фазилати борким, буни айтиш ҳам фарз, ҳам қарз. Бобуршунос мутахассислар яхши билишади: асарнинг Ҳиндистон фаслига оид 18 йиллик хотиралар асл нусхадан (оригиналдан) йўқолган. Бунинг маъноси шуки, Бобур 36 йил ҳукмронлик қилган бўлса, шундан 18 йиллик давр хотиралари елга совурилиб кетган. Бугунги ўзбек ўқувчиси ана шу тарихий хотирадан маҳрум. Не ажабким, жаноб Беверижларнинг улкан хизматлари туфайли мана шу кемтик, тарихий манбалар, кейинги нашрлар, турли қўлёзмалар орқали тўлдирилган. Таржимавий ворисийлик тамойили шуни тақазо этадики, XVI аср мислсиз ёзма адабиёт обидаси, бетакрор туркий «Бобурнома»дан — инглизча тадқиқот ва таржималаргача босиб ўтилган изланиш самараларидан — айни шу асар, яъни туркий аслият нашрини илмий такомиллашда (оригинални ўзига хос бир тарзда «тиклашда»!) фойдаланиш мумкин ва шундай қилиш лозим эди.

Аммо орадан ўтган 70 йилдан зиёд давр ичида (1922 — 1993 йиллар — даврнинг рамзийлигига эътибор беринг!) бу иш амалга ошмади. Жуда кўпчилик мутахассислар Беверижлар тадқиқотидан ва уларнинг мислсиз фаолиятидан ҳатто хабардор ҳам бўлганлари йўқ. Биз мана ўн беш йилдан буён шу мақсадни амалга оширишни ўйлаб, ёруғ ният билан яшадик. «Бобурнома»нинг янги, ўзбекча илмий мукаммал нашрини рўёбга қилариш устида тинмай ҳаракат қилдик. Ниҳоят, таниқли шарқшунос олим, профессор Саидбек Ҳасаний ва бошқалар билан ҳамкорликда асарнинг янгиланган, тузатилган ва тўлдирилган матни нашрга тайёрланди. Китоб шу йил чоп этилиши арафасида турибди. Ўйлаймизки, бу ҳам қутлуғ рамзий маънога эга. Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллиги Ўзбекистон Истиқлолининг икки йиллигига қўшилиб кетди...

Турган гап, инглизча таржималардан ҳар бирининг ўз фазилати ва ютуғи, ўз кам-кўстлари ҳам бор. Албатта, А. Бевериж таржимаси олдинги таржималарга нисбатан тўлароқ ва мукаммал (адекват) нусха бўлишликка даъво қила олади. Лекин у ҳам нуқсонсиз эмас. Яна бир муҳим гап: ‘ҳар қандай камчиликларидан қатъий назар, 1826 йилги Лейден-Эрскин таржимаси ўз аҳамиятини йўқотди, дея олмаймиз. Зотан, ҳар бир таржима ўзича муборак ва ўзича тансиқ. В. Эрксин — Ж. Лейденда равон адабий услуб, жозибали руҳ бор. Бобур қаламининг ширасиз, шоирона оҳанглар унда кўпроқ жилва кўрсатган. А. Беверижда баён ва тасвир кўпроқ, илмий услубга мойил. Унда изоҳ ва шарҳлар кўпайган. Бу умуман яхши. Шуниси борки, асар тили бир қадар оғирлашган.

«Бобурнома» таржималари тарихини кузатиб, шундай хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, асарни бошқа тилларга ўгириш ишига жиддий тайёргарлик билан киришилган ва бунга жиддий чуқур ижодий жараён деб қаралган.

Иккинчидан, таржимадан-таржимага ўтган сайин аслият моҳиятини ва жозибасини англаш, мазмунини аниқроқ ифодалаш имконияти вужудга келган, яъни ҳар бир янги таржима аслиятга яқинлашиш йўлида янги босқич бўлган.

Учинчидан, хорижий таржималар туркийзабон (ўзбек) адабиётнинг нодир намунаси «Бобурнома»нинг жаҳонга ёйилишига замин ҳозирлади ва халқаро миқёсда бобуршунослик илмини вужудга келтирди.

Ҳуллас, «Бобурнома» таржималари, талқини ва тадқиқи билан ким, қаерда, қачон астойдил шуғулланган бўлмасин, дини, ирқи ёки миллатидан қатъий назар, унга ўзбек адабиётининг хориждаги фавқулодда ва мухтор элчиси деб қаралиши лозим ва унинг хизмати даставвал халқимиз, фан ва маданиятимиз арбобларининг таъзими ва таҳсинига сазовор.

Ғайбулла ас-САЛОМ,
ТошДУ таржима назарияси минбаргоҳининг мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Н. ОТАЖОНОВ,
Наманган дорилфунуни хорижий тиллар факультетининг декани.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

НАРИГИ ДУНЁДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

БРЕСТ шаҳрида ҳайратомуз воқеа содир бўлди.

БЕШ яшар Маша Гуменюк йигирма дақиқа давомида клиник ўлим ҳолатида ётди. Врач-реаниматор Олег Мамаев ҳеч қандай махсус дори-дармон қўлламай (шифохонада дори-дармоннинг ўзи йўқ), қизчани нариги дунёдан «қайтариб олиб келди». Бунинг учун оддий сунъий нафас олдириш усули кифоя қилди.

Маълум бўлишича, муз ёриғидан сувга тушиб кетган Машанинг марказий мия томирлари кучли совуқ таъсирида шикастланмай сақланган экан. У шифохонада бор йўғи уч кун ётиб, уйига кетди. Аммо афсуски, уни муз остидаги сувдан қутқариб олган аскарнинг кимлиги номаълумлигича қолди.

РУҲОНИЙ ҚИЗИ — ШАЙТОН МАЛАГИ

ТЕРНОПОЛдаги қабристонлардан бирида ўлик ўғриси (?!) пайдо бўлгани ҳақидаги шум хабар ҳаммани чўчитиб юборди.

ШОВ-ШУВНИ текшириб кўриш чоғида аниқланган маълумотлар янада ажабтовур бўлиб чиқди. Қарангки, «ўлик ўғриси» маҳаллий поп (руҳоний)нинг қизи экан. У дугонаси билан аввалига бир неча шиша ликёрни бўшатиб, сўнг янги жасад қўйилган қабрларни қўрқмай, очаверар экан. 17 ёшли қизнинг бу ишига ақл бовар қилмайди.

ОВЧИ ЙИРТҚИЧГА АЙЛАНДИ

ПОТИК қишлоғилик ашаддий овчи Я. Коприн кунлардан бир куни ўрмондаги ҳайвонлар қолиб, ҳамқишлоқларини «овлай» бошлади.

КУППА-КУНДУЗИ биринчи рўпара келган ўч ҳамқишлоғини ҳе йўқ, бе йўқ отиб ташлади. Кейин қўшни қишлоқлик яна икки киши бу воссвонинг қурбони бўлди.

Савдойи овчини қўлга олиш чоғида, у ўзини ҳам отиб ташлади ва ҳамма сирни ўзи билан қабрига олиб кетди.

МАЙМУНЛАРНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН

КУРГАНИНСК шаҳри аҳолисини маймунлар бозорининг кун сайин қизиб бораётгани эмас, улар нархининг соат сайин ошиб бораётгани ҳайратга солмоқда.

ГРУЗИЯлик уч ҳамроҳ узун думли кичик маймунчаларини шу шаҳарда 10 минг рублга сотган эдилар. Уч кундан сўнг уйларига қайтаётиб, ўша маймунни сотиб турган бошқа болага дуч келдилар. Улар индамай ўтиб кетмоқчи бўлганларида маймун собиқ эгаларини таниб қолиб, қийқирганча «тўполон кўтарди». Ноилож қолган грузинлар ўз маймунларини... 70 минг сўмга қайта сотиб олишга мажбур бўлдилар. Кейин билсалар, бунгача маймун беш марта қўлдан-қўлга ўтишга улгурган экан.

ОДАМХЎР АЙИҚ БОШИ УЧУН МИЛЛИОН РУБЛЬ

ХАБАРОВСК ўлкасидаги Красний қишлоғилик овчи Д. Лн одамхўр айиқни отиб ўлдириб, бир миллион рубль мукофот олди.

«ПРИАМУРСКИЕ ВЕДОМОСТИ» газетасининг ёзишича, шу йили ёз ойларида икки киши ана шу «табғиридан адашган» айиққа ем бўлди. Одамхўр айиқларнинг нима сабабдан кўпайиб бораётгани нафақат оддий кишиларни, балки мутахассисларни ҳам ҳайратга солмоқда.

ЖАБРЛАНУВЧИГАМАС, ЖАБРЛОВЧИГА ЖАБР БЎЛДИ

ҲАРОМХЎР кимса рўпарадан келаётган савлатли кишининг бошидаги норкали қалпоғини зўравонлик билан тортиб олганида шахсан қозининг ўзига дуч келганини билмаганди.

ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ қўнғироғи билан шу зумда етиб келган тезкор гуруҳ қалпоқ ўғрисини жойида қўлга туширди. Қимматбаҳо қалпоқ эгаси шу туман судьяси эканлигини, энди бу жиноий ишни кўриб чиқиб, ҳукмни шу судьянинг ўзи чиқаришини билган ўғрининг тақдирга тан беришдан ўзга чораси қолмади.

ЎЗ ЎҒЛИ ЭКАНЛИГИНИ БИЛГАНИДА-КУ...

БУХАРЕСТЛИК Василь исмли шахс шахсий машинасида кетаётганида бир йўловчи уни тўхтатди...

НОТАНИШ йўловчи ҳозиргина шу ерда машина уриб кетган бир болани шифохонага элтишни илтимос қилди. Василь эса шошилиб турганини баҳона қилиб, илтимосни рад этди. Орадан бирмунча вақт ўтгач, ҳалокатга учраган бола ўз ўғли эканлигини эшитиб, шундай афсусландики... Аммо энди кеч бўлганди.

ГИЕҲВАНДЛАРНИ ТУТИБ БЕРАДИГАН... ЧУЧҚА

АҚШнинг Орегон штатидаги Портланд шаҳри миршабларининг сафи битта... чўчқага кўпайди.

ХАРЛИ лақабли бу «мутахассис» чўчқа наша, героин ва кокаин каби ўткир гиёҳвандлик моддаларини яшириб қўйилган жойидан ҳеч адашмай топа олади. Унинг «устози» Р. Кэшнинг таърифлашича, ҳид билиш бобида манаман деган исковуч итлар ҳам Харли олдида ип эшолмайдилар.

Бу «истеъдод»ли чўчқа боласи эндигина 18 килога етди. У ҳали катта бўлса, энг ашаддий гиёҳвандларнинг ҳам шўрини қуритса, ажабмас.

ҚИМОРХОНАДАН — ҚАМОҚХОНАГА

БРЮССЕЛдаги банклардан бирини ўмарган ўғрилар орадан уч ҳафта ўтмаёқ тасодиф туфайли қўлга тушдилар.

ЎТТИЗ ТЎҚҚИЗ ёшли венгер Фаркош ва йигирма беш ёшли итальян Ассунта ди Даура овлари бароридан келганига талтайиб, эҳтиётсизликни унутишди ва қиморхоналарда катта пул тикишда давом этишди. Шундай кунларнинг бирида банк бошлиғи уларни таниб қолиб, миршабхонага хабар қилди. Тинтув пайтида уларнинг ёнидан катта миқдорда пул чиқди.

ЭЪЛОННИНГ КУЧИНИ КУРИБ ҚУЙИНГ...

БОЗОР муносабатлари таркибида рақобатчини (нопок йўл билан) енгиш учун газетага эълон бериш кифоя экан.

«МАГНИТОГОРСКИЙ РАБОЧИЙ» газетасида қуйидаги мазмунда эълон босилди: «Ойнга 500 минг сўм ва ундан ошириб иш ҳақи олишни хоҳловчилар қуйидаги рақамлар бўйича қўнғироқ қилишсин...» Эълонга иккита телефон рақами илова қилинган. Шундан сўнг бир фирманинг телефонлари тўхтовсиз жирингдай бошлади. Бир кунда мингдан зиёд киши телефон қилди, иккинчи куни қўнғироқлар орасидаги муддат 7 секундга тушиб қолди. Ҳолбуки, бу фирма эълон бермаганди, унинг ходимлари 500 минг сўмлик маош ҳақида фақат орзу қилишлари мумкин эди.

ПЕРМДА... ШИМОЛ ЁҒДУСИ

ПЕРМЬ вилоятн шимолида яшовчн аҳоли тарихда биринчн марта табиатнинг ажойиб мўъжизаси гувоҳи бўлдилар.

ТАЙГАДАГИ Лел қўрғони аҳолиси ширин уйқуга кетган пайтда юлдуз тўла тиниқ осмонда бирданига шимол ёғдуси ранг-баранг товлана бошлади. Шимолий ёғдунинг асл ватанидан 600 чақирим олисда бўлган Пермда биринчи бор пайдо бўлган бу мўъжизадан аҳоли ҳайратда қолди.

• Иқтисодиёт чорраҳаларида

ИШСИЗЛИК МУАММОСИ: ЯНГИ ҒОЯ

Бу ғояни франциялик иқтисодчи олим Пьер Ларутюр илгари сурди-ю бутун Европани қизиқтириб қўйди. У аниқ ишлаб чиқилган режа асосида ишсизлар сонини камайтириш билан боғлиқ муаммолар ечимини кўрсатиб берди. Европа иттифоқига аъзо 12 давлатда 19,1 миллион кишининг ишсиз бўлиб қолиши иқтисоднётни издан чиқариш хавфини туғдирган бир пайтда бу ғоя кўпчиликка боши берк кўчадан чиқишнинг ягона йўли бўлиб кўринмоқда.

Пьер Ларутюр ғоясининг асосий моҳияти янги иш ўринлари вужудга келтириш, бунинг ҳисобига ишсиз аҳолига давлат томонидан сарфланадиган бир неча миллиард доллар маблағни тежаш ва хусусий секторни ривожлантиришдан иборат. Бунинг учун кўпгина корхоналарда тўрт кунлик иш ҳафтасига ўтиш тавсия қилинмоқда. Европада катта қизиқиш уйғотаётган бу таклифга ҳозирча Америка, Япония каби ривожланган мамлакатлар иқтисодий ислоҳотлар натижасида жаҳон бозорида «аждарҳо» номини олган Жанубий Корея ва Сингапур давлатлари каби беписандлик билан қарамоқда. Уларнинг фикрича, бу тадбир ишчини ортиқча эксплуатация қилишга йўл очади, маоши тахминан 20 фоиз камайган ишчининг оилавий таъминоти издан чиқади. Унинг қўшимча пул топиш имкони пасаяди.

Хўш, Европада умидбахш модель сифатида шуҳрат қозонаётган иш вақтини ислоҳ қилиш таклифи ҳақида ўзбекистонлик мутахассисларнинг фикри қандай?

Республикамиз меҳнат, аҳоли бандлиги ва ижтимоий муаммоларни ўрганиш маркази мутахассиларига ана шундай савол билан мурожаат қилдик.

— Ўзбекистон бозор муносабатларига энди қадам қўймоқда, иқтисодий ислоҳотлар давом этмоқда, — дейди марказ директорининг ўринбосари, иқтисод фанлари доктори Марат Турсунхўжаев. — Республикамиз меҳнат биржаларида 14 минг 900 нафар ишсиз рўйхатга олинган. Уларнинг асосий қисми қишлоқ жойларида. Албатта бу иқтисодиётга хавф туғдирадиган рақам эмас. Умуман бозор шаклланмасдан, иқтисодий механизмлар тўлиқ ишга тушмасдан туриб, ишсизлик ҳақида гапириш қийин. Биздаги ишсизлик эса, собиқ СССРнинг издан чиққан иқтисодий муносабатлари туфайли юзага келган ҳодисадир. Илмий таҳлилларимизга асосланадиган бўлсак, бизда яқин орада оммавий ишсизлик бўлмайди. Хорижий мамлакатлар билан ташкил этилаётган қўшма корхоналар, қишлоқ жойларида қурилиётган кичик корхоналар, маҳсулотни қайта ишлайдиган саноат корхоналари ишга яроқли аҳолининг талабига нисбатан кўпроқ иш жойларини юзага келтиради. Қишлоқ хўжалиги соҳасига бу ғояни татбиқ этиб бўлмайди. Саноат соҳасида эса ишлаб турган ишчининг маошини қисқартириб, ишсиз одамга бериш бутун нонни иккига бўлишдек гап. Мақсад ишчининг нонини яримта қилиш эмас, балки ишсизнинг нонини ҳам бутун қилиш бўлмоғи керак.

Марказнинг бандлик муаммолари бўлими бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди Дилором Ортиқованинг фикрича, тўрт кунлик иш ҳафтаси ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларга эга. Дам олиш кунларининг кўпайиши ишчига кўпроқ ҳордиқ чиқариб, куч йиғишига имкон яратади. Оила ташвишлари билан, болалар тарбияси билан шуғулланишга шарт-шароит туғдиради. Бироқ маошнинг қисқариши оилавий таъминотга салбий таъсир қилади. Ғоянинг моҳиятига чуқур назар ташласак, у фақат корхона эгаси учун фойдали, ишчи учун эса зарар. Ишсизларни камайтириш ҳисобига уларга сарфланадиган ижтимоий ҳимоя маблағларини тежаш ўзини оқламайди. Ишсизликни камайтиришнинг дунё тажрибасида синалган энг фойдали йўли — иш жойларини кўпайтириш. Бу борада Швеция тажрибаси энг синалган усулдир. Швецияда бандлик жамғармаси бор. Умумий жамғарманинг тўртдан уч қисми янги иш жойлари ташкил этишга сарфланади. Бир қисми эса ишсизларга ижтимоий ҳимоя сифатида тўланади.

Тўрт кунлик иш ҳафтаси Европа учун нажот қалъаси бўлиб кўринмоқда. Бошқа давлатлар эса бу тадбирни унчалик хушламаяптилар.

Дилшод ҚАЮМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Қарши шаҳридаги санъат билим юрти бўлғуси санъаткорларнинг севимли масканига айланган. Бу ерда фортепяна, торли асбоблар, пуфлаб чалинадиган асбоблар, ашула, хор дирижёрлиги ва бадиий безаш бўлимларида 222 нафар талаба санъат сирларини ўрганмоқда.

СУРАТДА: билим юрти ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Ислом Ражабов (ўнгда) ва анъанавий ижрочилик соҳаси бўйича мутахассис Азамат Шарипов ёш ижрочилар билан суҳбатлашмоқда.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат.

Хатлардан сатрлар

МЕН ОТАМНИ КЎРМАГАНМАН

Узоқ йиллардан буён бир армон мени қийнайди. Ажрашиб кетаётган, фарзандларини тирик етим қилаётган ёшларни кўрсам, ўксик болалигим ёдимга тушаверади.

Ёшим эллик бешда. Мен беш ёшга кирганимда отаонам ажрашиб, отам бизларни ташлаб Тошкентга кетиб қолганлар. Орадан беш йил ўтгач, онам вафот этдилар. Мени опам тарбияларига олди. Ўқитиб, улғайтирдилар. Ҳозир олти фарзандим бор. Ўзим туғилиб ўсган Қўрғонтепа туманида кўп йиллар ҳамширалик қилдим.

Ёшинг улғайган сари ўз қадрдонларингни кўргинг, улар билан суҳбатлашгинг келаркан. Кейинги пайтлар бот-бот отамни эслайдиган, қўмсайдиган бўлиб қолдим. Отам Қаюмжон Абдураҳмонов Тошкентнинг Самарқанд Дарвазасида яшарканлар. Мен отамни ҳеч қачон кўрмаганман. Агар у киши ҳаёт бўлсалар уларнинг ўзларини, агар бунинг имкони бўлмаса, лоақал суратларини бир бора бўлса-да кўришни истардим. Балки дадамнинг Тошкентда фарзандлари ҳам бордир...

Изтироблар, ушалмаган орзулариму армонли кунларимни эсласам, бугунги ёшларга қарата агар фарзандларингизни бахти бекам, тугал саодатли кўришни истасангиз, уларни тирик етимлиқ чоҳига итқитманг, дегим келади.

Азизахон ҚАЮМОВА,
Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси.

ПОЛВОНЛАР МАРД БЎЛИШАДИ

«Ёшим 23 да. Ҳали ёш бўлишимга қарамай, неки азоб бўлса барчасини тотиб кўрдим. Мен Холмамат билан турмуш қурганимда, унга оталиқ шавкатини туҳфа этганимда мендан бахтли аёл йўқ эди. Бахтли онларимиз ҳисобли экан. Қизчамизнинг чилласи чиққан куни турмуш ўртоғим тўсатдан вафот этди. Бир йил қора кийиб, ўша хонадондагиларнинг хизматини қилдим. Эримнинг йили ўтгач, қизчам билан 76 ёшли ёлғиз онамникига қўнилдик. Мен нарсаларим учун куймадим. Ахир тоғдек бир йигит ўлиб кетди-ку, латта-путталар нима бўлибди, деб ўйладим.

Онамникига кўчиб келгач, менга ҳам маслаҳатгўйу насиҳатгўйлар топилди. Ҳали ёшлигимни, агар турмуш қилсам ота меҳригаҳ зор фарзандимга ўз отасидай бўлиб кетишини уқдиришди. Бу орада менга Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида яшовчи Абдунаби деган кишидан кетмакет совчилар кела бошлади. Андунаби боласизлик туфайли турмуш ўртоғидан ажрашгани, қизимни ўз фарзандидай кўришлигини қайта-қайта такрорлади.

Тақдир менга яна бир марта ғотантилик қилганини, ҳали оилавий ҳаётни бошламасдан туриб ҳаётимизга ёлғон аралашганини тўйдан сўнг уларнинг хонадонида яшай бошлаганимда ҳис қилдим. Абдунабининг бир ўғли борлиги, аввалги хотинини кўп уриши, касалга чалингач эса ҳайдаб юборганини билдим. Энди кеч эди. Унинг калтаги зарбларига чидаб, яхши кунлар келишидан умид қилиб яшадим. Бир куни эрим онамни эрга бериб, уйимизни сотиш ва машинамизни ўз номига ўтказишни таклиф қилиб қолди. Мен унинг таклифини рад этдим. Уравериб, икки марта ҳомиламни туширган. У энди 6 — 7 ойлик ҳомилам билан онамникига ташлаб кетди.

Яқинда фарзандим туғилади. Биз Абдунаби билан қонуний никоҳдан ўтмаганмиз. Қишлоқ кенгашидагиларга учрашсам, унга ўз фамилиянгда гувоҳнома оласан, дейишди. Мен эса «ёлғиз она» номини олишдан қўрқаман. Ахир унинг отаси бор-ку! Мен шундоқ ҳам битта сағирни ўстиряпман. Нима қилай, осмон йироқ, ер қаттиқ... Аммо мен — онаман! Шу билан бахтиёрман. Бироқ, ҳали туғилмаган фарзандимни ота меҳридан мосуво бўлишини истамайман.

Жиззахда «Абди полвон» деб ном олган, тўю томошаларда кўпкари чопиб ҳамиша ғолиблик қилган Абдунабининг номардлик қилишига ишонгим келмайди. Ахир полвонлар мард ва чапани бўлишади. У нафақат туғилажак фарзандига, балки жажжигина Мавлудага ҳам ардоқли ота бўлиб қолишига, хатосини англаб етишига умид қилгим келади. Мен нима қилай? Маслаҳатингизга муҳтожмиз».

Гулнора,
Самарқанд вилояти.

Усмон АЗИМ

Юлдузлар ўтида бошим машъалдир

ШАЪН ҲАҚИДА ҚАДИМ БАЛЛАДА

Замбараклар гумбири — жўшқин,
Ноғоралар солар овоза,
Очилади нақшин дарвоза.
Дарвозадан чиқади қўшин —
Ярақлайди — анжоми тоза.

Даста-даста навкарлар борар,
Енларига қилич ярашиқ.
Теваракка ўйчан қарашиб
Беклар — вазмин раҳбарлар борар—
Панжа билан соқол тарашиб.

Ёш бошида қадимий савдо
От устида борар валиаҳд.
Эл ишига улуғ умри тахт,
Салтанатнинг қуршовида шоҳ —
Ёв устида отлангандир шаҳд.

Қўрғон узра чувиллаб қатор,
Хотин-халаж айтар «оҳ»нни.
— Равон айла лашкар роҳини,
Элни этма душманига хор —
Фалокатдан асра шоҳини.

Қўл очади чоллар дуога,
Келинчаклар артар ёшини,
Кафтларига қўйиб бошини,
Илтижолар қилар худога
Маликанинг ғами тошиниб.

Лашкар кетар. Овора кунлар.
Соғинч — узун. Айрилиқ — узун...
Шаҳарнинг тинч уйқусин бузиб,
Гумбурлайди ногоҳ ноғора —
Хавотирда юракни узиб.

Тошқўрғондан боқар халойиқ:
Улуғ лашкар — навкарлар йўқдир,
Беклар — вазмин раҳбарлар йўқдир,
Валиаҳд йўқ... Қудратли Холиқ! —
Подшоҳ—камтар халқпарвар йўқдир.

Қўрғонда халқ ув тортар — айтар,
Дунёларга ғамдан овоза...
Очилару нақшин дарвоза,
Кўк либосли Шон-Шуҳрат қайтар —
Ярақлайди — юракдай тоза.

Чанг юзида бир босиқ ҳолат,
Йайдоқ отда келади Мардлик —
Ўлим кўрган кўзлари дардлиғ.
Бир ёнида ҳазин Жасорат —
Тулпорининг ёллари гардлиғ.

Келаётир уч оға жонбоз—
Уч улуғ руҳ — қурбон — бекафан—
Ғолиб юртда мудом тирик шаън...
Учовига чиқади пешвоз —
Елкалари титраниб — Ватан.

* * *

Раҳмат ёғдирди Оллоҳ —
Дилингга тушди ёғду.
Тош, ҳаво, барг — кенг дунё
Чолғу—қўлингда чолғу.
Қоғозга тушар шунда
Ҳақ сўзлар ногоҳ-ногоҳ—
Гўё ҳадис айтмоқни
Пайғамбар кўрган раво.

Ҳар сўзинг — ҳаққа чорлайди,
Ҳар бир сўзинг — истиғфор.
Ҳар сўзинг — дилни поклаш —
«Дил ба ёру даст ба кор».
Чин сўзга фано йўқдир,
Ростлиг ичинда — тангри.
Ҳар бир чин сўз ичра, оҳ,
Минглаб кўйганнинг бағри.
Раҳмат ёғдирар Оллоҳ,
Дилингга тушар ёғду—
Дардлардаги жаъми «оҳ» —
Чолғу, юракда чолғу.
Ларза тушади жонга,
Бир онга йўлинг равшан,
Сен, умрингни бу онга
Жо этолмай йиғлайсан.

* * *

Ким дединг? Мен сени танимайман, куз
Кунларинг кунимнинг бегонасидир.
Куз деган фасл йўқ. Боғдаги маъюс
Вақт асли баҳорнинг вайронасидир.

Сарғарди баҳорда туғилган япроқ,
Йўл юриб, вақт кечиб тиниди анҳор.
Куз йўқ. Ўриндиқда—чорбоғда — бу чоқ
Мунғайиб ўтирар қариган баҳор.

Белин салқи тугиб изғирин билан —
Гоҳида сочилиб, гоҳида тўзиб —
Боғдан кетаётган қушлар ортидан
Қўлларин оҳиста қўяди чўзиб.

Ўйчан кўзларида ҳижрон савдоси,
Хазон даврасида сукунат қурмиш —
Унинг жимлигида дунё савдоси
Ўткинчи ҳаёту синашта турмуш;

Видо сиёғида сабру қаноат,
Фалакка заррача йўқдир ўтинчи —
Тушуниб боқади — боғлар оралаб,
Беболта кезаркан мангу ўтинчи.

Ана, новдасида титранди япроқ —
Мерган вақт узган ўқ ўтди ўмгандан.
Куз йўқ (йиғлаяпман). Куз йўқдир, бироқ
Қирқ уч баҳоримни мен ҳам кўмганман.

Видо онларининг теранлиги бор:
Юрагим қадар ботди товушим —
Ана, мангуликка жўнади баҳор,
Хазон барглариига тўлиб кавуши.

Куз йўқ. Гарчи хазон ўтди хаёлчан,
Мезон дорларини фалакка осиб,
Куз йўқ... Баҳор билан видолашаман
Мавзун ҳолатини бағримга босиб,

О, кетсам бўларди шу хазон билан—
Жоннинг залворидан, қаранг, аридим.
Қаримоқ — қўрқмаслик бўлса ўлимдан
Ҳа, мен ҳам қаридим, мен ҳам қаридим.

Қалбга томчи ёшдай тўкилди олам—
Руҳнинг руҳдан қуюқ қаъридадурман,
Куз йўқ (йиғлаяпман!) куз йўқдир (алам!)
Энди кузакдан ҳам наридадирман.

* * *

Юлдузлар ўтида бошим машъалдир,
Ернинг зах қаърида оёқларим—муз.
Юрагим — наврўзу руҳим ҳамалдир,
Жонимда—саратон, қисматимда — куз.

Турфа фаслим аро мен сени суйдим,
Турфа маконимда — айладинг таслим.
Худованд, нурингни қалбимга қуйдинг,
Минг жилва азобда жон толди таслим.

Дунё ўтиб борар жоним оралаб,
Қуёшим оқшомга тутмоқдадир юз.
Баҳору ёз қолди, қиш қолди, ёраб!..
Ераб! Менинг билан кетмайсанми, куз?...

* * *

Бахт каби гуллади боғимда баҳор,
Жанубдан қучоғи илиб қайтди ел.
Ҳамма ғашликларни
Енгдим бу наҳор,
Ҳамма эшикларни очиб қўйдим —
Кел.
Туманни кўтардим —
Кўчалар равшан.
Ҳасану Ҳусанга чўлғадим кўкни...
Кўзларим толиқди —
Нега келмайсан?...
Худо хоҳласа ҳам учрашмак йўқми?

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ЙИЛ

Отлар елар. Шамолу шиддат...
Бейўлликнинг йўллари узун.
«Беражакмиз жонни — беминнат!—
Хўрликдаги она юрт учун...»

Шамол кўздан оққан ёшларни
Олиб учар даштнинг ичига.
Юртсиз қолган ғариб бошларни
Душман илди найза учига.

Қизғалдоқлар қонли дарёсин
Айланади отлар шатирлаб...
«Биздан кейин ўзбек боласи
Озод юртни кўрсин, ботирлар...»

Уқлар янграр. Оғир вазият.
Отлар — яйдоқ. Бесўздир лаблар...
Ер юзида учар васият —
Мангулигин сезмаган гаплар.

* * *

Урилиб тўхтади деразага тун,
Соғинчнинг бесабр даъватин тинглаб,
«Қайдасан?», дунёдан сўрадим беун.
Ва чиқдим кўчага боладай йиғлаб,

Чироқларни осмиш симёғочларга —
Кўча тунги даҳшат касбила машғул.
— Қайдасан? — қоқилдим ҳорғин тошларга,
Йиғладим — ҳол йўқдир ҳолимга масъул.
Йўқлик ичидасан. Оқиб ўтар Вақт,
Гуноҳкор—кўзимга боқолмас бир дам.
— Қайдасан?
Вақт билан кетайинми, айт,
Хафа бўлмайсанми, ажралиб қолсам?

* * *

Севги ёзи кузга кўмилди —
Омон қолдинг ёнғинларидан.
Ва жунжикдинг — елканг чўмилди
Қора сочинг ёмғирларидан.
Бегонадай турди олисда,
Чўчиб боқди сенга тийрамоҳ.
Сендай ғамгин фасл бўлишга
Қайдан журъат топа олсин, оҳ!..

Ҳамкорлик робиталари

НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ ТОШКЕНТДА ЎТАДИ

Ўзбекистон олимлари Ҳиндистондаги ҳамкасбларига Бихар штатидаги Худобахш кутубхонасида сақланаётган эски ўзбек тилидаги ўрта аср қўлёзмаларини ўқишга ёрдамлашадилар.

— Бу — Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги билан Ҳиндистон Республикаси Маданият департаменти ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузиши натижасида икки дўст мамлакат ўртасида ўрнатилган мустаҳкам ижодий алоқаларнинг намуналаридан биридир.

Деҳлида икки давлат тарихий ва маданий алоқаларига бағишлаб ўтказилган халқаро семинар бу ижодий алоқаларни мустаҳкамлашга қўмаклашди. Анжуманда иштирок этиш учун адабиёт, меъморчилик, амалий ва тасвирий санъат, илм-фан ва техника соҳаларида Ўзбекистон билан Ҳиндистоннинг ўзаро алоқалари муаммолари билан шуғулланаётган олим ва мутахассислар таклиф этилди.

— Ҳиндистонлик олимлар марказий Осиё археологияси, меъморчилиги, амалий санъати ва адабиётига доир тадқиқотларга зўр қизиқиш билан қараётганлиги қувончлидир, — дейди Деҳли анжумани қатнашчиси, Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг катта илмий ходими Искандар Азимов. — Семинар бу қизиқишни яна бир бор яққол кўрсатди. Унда илм-фаннинг кўпгина муҳим йўналишларда биргаликда тадқиқотлар олиб бориш муаммолари, илмий ахборот ва мутахассисларни айирбош қилиш муаммолари муҳокама этилди. Симпозиум ва семинарларда иккала томоннинг иштирок этиш масалалари кўриб чиқилди.

Хусусан, Кашмир дорилфунуни ҳузуридаги Марказий Осиёни ўрганиш маркази, Патнадаги дорилфунуннинг тарих факультети билан биргаликда тарихни ҳамда ҳозирги замон театри, киноси, мусиқасини, телевидение, тасвирий санъат, археология ва меъморчиликни ўрганиш соҳасида илмий алоқалар ҳақида аҳдлашиб олинди.

Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан ҳамкорлиги янада ривожланишига ишонамиз. Масалан, шундай илмий семинарларни мунтазам ўтказиб боришга қарор қилинди. Навбатдаги учрашув бу йил Тошкентда ўтади. Ҳорижий дўстларимиз Ҳиндистонда Ўзбекистоннинг ўрта асрдаги миллий кийимлари ва заргарлик буюмлари кўргазмасини, шунингдек, Ўзбекистон меъморчилигига доир фотокўргазмани ташкил қилмоқчи бўлишяпти. Бу кўргазмалар муваффақият қозонишига шубҳа йўқ.

Деҳлидаги анжуманда Бихар штатида Ҳиндистон—Ўзбекистон дўстлик жамиятининг бўлимини ташкил этиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Ҳиндистонда олимлар, талабалар, мамлакат раҳбарияти билан ажойиб ва самимий учрашувлар бўлиб ўтди, — дейди пировардида Искандар Азимов. — Ўзбекистон делегациясини Ҳиндистон Президенти Шанкал Дайял Шарма қабул қилди. Бу — республикамиз нуфузининг юксаклигидан далолатдир.

Л. СТРУННИКОВА,
(ЎзА мухбири).

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ:

Боғдод туманидагилар жарроҳ Рустамжон Қўчқоровни ҳурмат билан тилга олишади. Чунки у ўзининг ҳалол меҳнати билан қатор йиллардан буён беморлар дардига малҳам бўлиб келмоқда. Олий тоифадаги жарроҳ Рустамжон Қўчқоров нафақат шифокор, балки ёшларнинг меҳрибон мураббийси ҳамдир.



Т. ҲАМРОҚУЛОВ тасвири.

Қайд этилмаган мерос

ЕКИ АЙРИМ ЎЗБЕКОНА ФАЗИЛАТ ҲАМДА УРФ-ОДАТЛАР ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЙЎҚОТИЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА

Қибрай бекатидаги бир учрашув мени оғир ўйга солди. Ўз дала ҳовлисидан қайтаётган бир европалик кампир болалигини эслаб, ўша вақтларда ўзбек хотин-қизлари ҳеч қачон оталари ёки эрлари юзига тик қарай олмаганлари, одобли, тортинчоқ бўлишганини гапира кетди. У ўзбеклар ҳовлиси эшигида ҳеч қачон қулф кўрмаганини қўшиб, шундай халқ собиқ иттифоқ даврида ҳатто ўғирликка ҳам ўрганганини надомат билан қайт этди.

Не афсуски, унинг иқрори мен Давлат архивида учратган ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган.

Ҳалоллик, ибо ва андиша, қонунларга ҳурмат, катталарга эҳтиром ва юксак одоб ҳар бир ўзбекка хос ажойиб фазилатлар эди. 1882 йилда Санкт-Петербургдан Туркистон ўлкасини атрофлича тафтиш қилишга келган императорнинг маҳфий маслаҳатчиси Гирс ва бошқа олий лавозимдаги амалдорлар ҳам буни ўз ҳужжатларида қайд этишган. Икки йил давомида халқимиз ҳаётини кузатган ва текширган тафтишчилар Туркистон ўлкасида 1881—1884 йиллар давомида биронта ҳам ўғирлик, талончилик ва қотиллик ҳоллари қайд этилмаганлигига гувоҳ бўлишган.

1882 йилда Тошкентга келган швейцариялик сайёҳ Генрих Мозер Туркистон генерал-губернатори Михаил Черняевга «Қачон Туркистон оврупалаштирилади?», деб сўраганда генерал очиқчасига «Маҳаллий аҳоли бизнинг тамакимизни чекиш ва арағимизни ичишга ўргангач», —деб жавоб қайтарган. Шунинг учун ҳам ўлкада ҳали ҳеч қурилмаган корхоналар — ароқ-вино, пиво заводлари қурилди, пивохоналар очила бошланди. Мустамлакачилар фақат эркакларнигина эмас, балки хотин-қизларни ҳам оврупалаштиришга диққат қилдилар. 1898 йилда Фарғона вилояти губернатори император диққатига ҳавола этган тақдимномасида «ичкари тутқунларига» — маҳаллий аҳоли хотин-қизларига эътибор бериш ҳам зарурлигини алоҳида уқтириб ўтгани беҳуда эмас. Губернатор ўзбек аёлларинИям Оврупо аёллари қаби эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши, уларнинг юзига тик қараши, лозим бўлса, гап қайтариб, улар билан олишишлари ҳам зарурлигини кўрсатади: «Туркистон ўлкасида, — деб ёзади губернатор, — тарих томонидан олий миссия ўтказилишига чақирилган Оврупонинг «шифокор аёллари» маҳаллий хотин-қизларнинг турмуш тарзига ўзгача тушунчалар олиб киради ва уларда бошқача интилишлар уйғотади».

Оврупоча турмуш тарзи, ахлоқ ва маданият халқимизга зўрлаб сингдирилди. Натижада кўплаб урф-одатларимиз, удумлар ва ахлоқ-маданиятимизга путур етди. Баъзи ўзбек аёллари эркаклар юзига тик қарайдиган ва бемалол гап олишадиган мавқега эришдилар. Асли мусулмончиликка, аниқроғи Шарққа буткул ёт одатлар, тушунчалар ва маросимлар турмушимизга синга бошлади. Ортиқча чиқимларсиз, дабдабасиз, ичкиликбозликдан ҳоли камтарона тўйларимиз «комсомолчақизил тўйлар — текин ресторанларга» айланди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил Ўзбекистонга ўтмишдан ана шундай ҳеч қаерда қайд этилмаган мерос қолди. Ҳозир ундан қутулиш учун катта ҳаракатлар бўляпти. Биз аста-секин ўзлигимизга, ўзбеклигимизга қайтаяпмиз. Бу эса, айниқса, маҳаллаларимиз ҳамда унинг оқсоқоллари, қолаверса, ҳар биримиздан катта масъулият талаб қилади.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.

Одамийлик ҳимоятдан бошланади

Ғайрат бу инсонда бўлган ижобий фазилатларнинг биридир. Мушкул масалаларни ҳал қилишда, дўстлик, иноқ-иттифоқликни, сиёсатни мустаҳкамлашда, халқ ва мамлакат ишларида бу сифатдан кенг фойдаланишган. Инсонда уч хил — биринчиси биродарлари ва қариндошлари, иккинчиси турмуш ўртоғи, учинчиси ўз халқига нисбатан меҳр-муҳаббат ғайрати мужассамлашган.

Ўз биродарларига нисбатан ғайрат шундаки, бунда у улардан олийҳиммат бўлишга интилади. Ҳар соҳада, ҳар ишда ҳиммат кўрсатишга одатланади. Ҳиммат қанчалик баланд бўлса, ғайрат ғалабаси шунчалик улуғроқ бўлади.

МАСНАВИЙ:

Ғайратдан келади қўлга яхши ном,
Ғайратдан бўлади ҳосил мурод ҳам.
Шундай деб айтганмиш бир соҳиби бахт,
Ғайратдан нифтингга келур тожу тахт

Умр йўлдошига нисбатан қилинадиган ғайрат уни поклик ва иффатда сақлашга эришишдадир. Шундай қилинганда, бу иш барокотидан эл ҳам поклик билан безаниб, фисқу фасот, адоват, ғаразли ўйлардан узоқда бўлади.

МАСНАВИЙ:

Эй, ажойиб покиза, покдил нигор,
Ўзгаларга жилва қилма зинҳор.
Ҳар кўча-кўйга қўйиб бўлмас қадам,
Ҳар кишига кўз сузиб бўлмайди ҳам.
Қайси офатким кишига юз тутар,
Ўзга сари тикилмоқдин етар.

Арабларда илгари шундай бир одат бор эди. Ҳозир ҳам Ҳижозда мавжуддирки, агарким бирор кимса бировнинг девори ёки томи соясига келиб ўтирсаю ҳеч нарса сўрамаса ҳам, у кишига иззатикром билан эътибор берадилар... Бу эса ҳар бир кишига, яъни ўз халқига бўлган меҳр, ғайрат нишонасидан биридир.

Шунингдек, улар ҳайвонларга нисбатан ҳам шундай меҳр-шафқатли бўлишган. Баъзи ҳайвонлар ҳовли ёки ўтлоқларга кириб қолса, уларга заррача озор етказмай, ҳимоя қилишган.

Муштарий таклиф киритади

ФУТБОЛ МАТБУОТ БИЛАН ТИРИК

Ҳурматли таҳририят!

Биз «Халқ сўзи» газетасининг доимий обуначиларимиз ва уни севиб ўқиб борамиз. Водийнинг чекка бир қишлоғида яшовчи муштарийларингиз газетангизнинг халқчиллигига таяниб, ўзбек футболидаги айрим ноҳуш кўринишларга ўз эътирозларимизни сизлар орқали билдирмоққа қарор қилдик.

Ўзбек футболининг мустақиллигидан биз мухлислар кўп маънавий озуқа кутган эдик. Чунки собиқ иттифоқ таркибида ўзбек футболи ноҳақлик-нохолисликдан кўп азият чекканди. Шу нарсаларнинг эндиликда ҳам такрорланишини хоҳламаймиз. Спортда адолат ва холислик бўлиши керак, бусиз спорт ўз ривожини топмайди.

Вазирлар Маҳкамаси мамлакатимизда футболни ривожлантириш ҳақида махсус қарор қабул қилди. Мазкур қарорда «Оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш компанияси республикада футбол ҳаракатининг ривожланишини, энг яхши спорт клублари, спорт мактаблари, физкультура жамоалари, мутахассислар ва тренерларнинг фаолиятини мунтазам равишда батафсил ёритиб борсинлар. Республикада футбол мусобақалари ҳақида юксак билимдонлик савиясида шарҳлар тайёрласинлар» — дейилган. Шундай бўлса-да оммавий ахборот воситалари бу соҳага яхши аҳамият беришмади. Миллий чемпионат ўйинлари кенг, биз кутган даражада ёритилмади. Шарҳларда кўпинча нохолислик уфуриб турди.

Масалан, Тошкентда бўлиб ўтган «Пахтакор» — «Нефтчи» учрашувини шарҳловчи гўёки, фақат тошкентликлар учун шарҳлаётгандек бўлди, майдон эгалари учун очиқ-ойдин жон куйдириб гапирди. Бу адолатдан эмас. Шу пайтда ойнаи-жаҳон қаршисида ўтирган иккинчи жамоа мухлисларининг аҳволини, руҳиятини кўз олдингизга келтириб кўринг!

Агар шарҳловчи майдондаги бирор жамоанинг мухлиси бўлса, унда бундай шарҳловчи ўз ўрнини ўйингоҳ ўриндиқларидан ахтариши керак. Халқаро ўйин бўлса бошқа гап — шарҳловчи ҳам, томошабин ҳам битта жамоа мухлисига айланади.

Шу ўринда яна бир нарсага аниқлик киритилишини истар эдик. Ҳамма вилоят марказларида ойнаи-жаҳон ишламоқда. Шулар орқали Тошкентдан бошқа шаҳарлардаги учрашувларни ҳам кенг миқёсда олиб ўрсатиш мумкин-ку?

Мавсум бошида радио орқали футбол чемпионатининг ҳар бир турига бағишланган яхшигина йўқламалар бериб борилди. Лекин мавсум охирига келиб, шу радиойўқлама ҳам тўхтади.

Биз футболнинг ривожланишида ахборот воситаларининг ўрни беқиёс деб биламиз. Футбол ҳақида маълумотлар қанчалик кўп ва кенг қамровли бўлса, шунчалик мақсадга мувофиқдир.

М. ЭРГАШЕВ,
Х. ҚУРБОНОВ,
жами 16 имзо.

Рекордлар, воқеалар, очколар

ЖУРНАЛИСТЛАР ГЕРМАНИЯГА ТАН БЕРИШДИ

ЖАҲОН чемпионати ҳомийларидан бири — «Спринт» телефон компанияси ўтказган сўров натижаларига кўра Германия жаҳоннинг энг яхши футбол жамоаси деб топилди. Немислар сўровда 364 очко жамғаришди. Иккинчи ўрин бразилияликларга (348 очко) насиб этган бўлса, Италия (248) ва Голландия (236) терма жамоалари кейинги ўринларни эгаллашди.

1994 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ РЕКОРДИ

ЯНГИ йилнинг биринчи жаҳон рекордини ўрнатиш россиялик Александр Поповга насиб этди. У Гонгонгда ўтказилган халқаро турнирда эркин сузиш бўйича 100 метрлик масофани ҳали жаҳонда қайд этилмаган натижа, яъни 47,83 лаҳзада сузиб ўтди.

Р. ЖУМАЕВ.

Ишга келинг!

«ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИГА МАЛАКАЛИ КОРРЕКТОРЛАР КЕРАК.

Маълумот учун тел: 33—52—55, 33—10—28.

"ТИМАРТ" Фирмаси ЭЖК маркали озиқ-овқат
ОҚ ТУНУКАСИНИ таклиф қилади
ўлчови 712x820x0,22 мм
Гост 13345-85
Тел.: (3712) 91-02-32, 91-60-01.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси қўмитанинг собиқ ходими Л. Ф. Хабибуллаевага отаси

Фахриддин ҒУЛОМОВ-

нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жамоаси Бухоро вилояти прокурори Бурхон Бекмирзаевга отаси

Бекмирза СУЯРОВ-

нинг вафат этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Т. Долиев, навбатчи — Г. Эшмуродов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001. Буюртма Г—754. 441. 77698 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 24.30.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6